



SCIENCE TIME

НУСРАТУЛЛО ЖУМАХЎЖА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИНЛАРИДА ТАРИХИЙЛИК ПРИНЦИПИ ВА ТАРИХИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛИНИНГ ЎРНИ

Якубов Исламжон Ахмеджанович Алишер Навоий номидаги ТошҶЎТАУ Жаҳон адабиёти ва қиёсий адабиётшunosлиқ кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Ташанов Камил Юлдашевич

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Матёқубова Тозагул Ражаповна

Алишер Навоий номидаги ТошҶЎТАУ Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада филология фанлари доктори, профессор Нусратулло Жумахўжанинг илмий тадқиқотларида таҳлил ва талқин, илмий муаммолари ўрганишда қўлланилган тарихийлик принципи ва тарихий-функционал ёндашув тамойили, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишда қўшган илмий ҳиссаси, буюк Навоининг мазмундор, завқли ғазалиётидан, тасаввуф таълимоти ғоялари акс этган адабий-бадиий матнлар таҳлиллари монография ва китоблари, мақолалари негизида ўрганилган.

Калит сўзлар: Хоразм адабий муҳити, бадиий матн, ғазал, бадиий санъат, плюралистик тафаккур, матншунослик, манбашунослик.

Аннотация: В статье анализируются и интерпретируются научные изыскания профессора Нусратуллы Джумаходжи, принцип историчности и принцип историко-функционального подхода, применяемые при изучении научных проблем, его научный вклад в изучение узбекской классической литературы, содержательное и увлекательное поэзия великого Навои и литературные идеи суфизма, анализ художественных текстов изучается на основе монографий, книг и статей ученого.

Ключевые слова: Хорезмская литературная среда, художественный текст, газель, художественное искусство, плюралистическое мышление, текстология, источниковедение.

Annotation: In the article, the analysis and interpretation of the scientific researches of professor Nusratullah Jumakhoja, the principle of historicity and the principle of historical-functional approach used in the study of scientific problems, his scientific contribution to the study of Uzbek classical literature, the meaningful and enjoyable poetry of the great Navoi, and the literary ideas of Sufism are reflected in the article. - the analysis of artistic texts is studied on the basis of monographs, books and articles of the scientist.



SCIENCE TIME

Key words: Khorezm literary environment, artistic text, ghazal, artistic art, pluralistic thinking, textual studies, source studies.

КИРИШ.

Устоз олим Нусратулло Атаулло ўғли Жумахўжа ҳақида гапиришдан олдин шу уч авлоднинг исмлари ҳақида муҳтасар тўхталиш зарурга ўхшайди. Зотан исм иинсоннинг тийнати, дунёқараши ва қисматига ишора қиласди. Адабиётшунос олимнинг боболари «Жумахўжа» исмидан у кишининг муборак жума куни туғилганликлари ва зот жиҳатидан оқсусяк бўлганликлари англашилади. Шу имон-эътиқодли инсон ўз фарзандига «Атоулло» – Оллоҳнинг инъоми, тухфаси,- деган исмни лойик кўрганлар. Хонадонда ҳақиқий инсон бўлиб вояга етиб, оиланинг «боши», тожи бўлсин, -деб ният қилганлар. Атоулло бобо эса ўз ўғилларига «Нусратулла» деб исм берадилар. Бу ҳам китоб кўриб қўйилган исмдир. Чунки муқаддас китобларимизда: инсон иймон ва куфр орасидаги кураш жараёнида яшайди. Расулларимиз ҳамда имон келтирган мўминларга икки дунёда ҳам Оллоҳнинг нусрати бўлади, дейилади. Демак, нусрат сўзининг истилоҳий маъноси: ғолиблик, устунлик, душманни енгиш ва мағлубиятга учратиш демакдир. Нусратулло Жумахўжа ҳаёти ва илмий-педагогик фаолиятига назар соларканмиз, юқоридаги изоҳлар унинг шажаравий генетик кодлари ҳамда тарбия топган муҳити орқали инсоний сурати ва сийратига синггани, қисматини белгилаб берганига тўла ишонч ҳосил қиласмиз.

Нусратулло Жумахўжа биз Ўзбекистон республикаси ФА Тил ва адабиёт (Хозирги Тил, адабиёт ва фольклор) институтида ишлаган, аспирантурада таҳсил олган ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ илмий-адабий давраларда танилган адабиётшунос олим эдилар. Биз у кишини турли йиғинлар, илмий-назарий анжуманлардаги маъruzalariда, Хоразм сафарида бўлган кезларида тез-тез кўриб, сұхбатларини эшитиб турардик. Айниқса, Хоразм адабий муҳитини ўргангандари учун устозга бўлган меҳримиз ўзгача эди. Кейинчалик, тақдир тақозоси билан наинки ўзлари, балки турмуш ўртоқлари, оила аъзолари билан ҳам яқиндан танишдик. Бир жамоада ишлаш шарафига мұяссар бўлдик. Нусратулло Жумахўжа оилада жуда ҳам меҳрибон, меҳмон келганида тавозеда туриб бағрикенглик билан қаршилайдиган, астойдил севиниб, сизни қаерга ўтқазишни билмай, андак шошиб қоладиган инсон эканини кўпчилик билмаса керак. Биз устознинг хонадонларида бўлганимизда, тўй тўйлаган баҳтиёр кунларида бирга бўлганимизда бунга кўп бор гувоҳ бўлганимиз.



SCIENCE TIME

МЕТОДЛАР.

Энди Нусратулло Жумахўжанинг илмий фаолиятлари хусусида ҳам мухтасар сўзлаш имкони юзага келди, деб ўйлаймиз. Адабиётшунос олим 1999 йилнинг кўкламида миллий адабиёт, хусусан ўзбек адабиёти тарихи бўйича кўп йиллар давомидаги изланишлари асосида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун «*Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида)*» мавзуидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди [2.] Бу ишни ўзбек адабиётшунослиги забардаст алломалари, академиклар Иzzат Султон, Азизхон Қаюмов, Ботир Валихўжаевлар юксак баҳолашди. Диссертация учун Хива ва Кўқон адабий мұхитининг кўзга кўринган шоири муаррихлари ҳаёти ва ижоди объект вазифасини ўтаган эди.

Н.Жумахўжа кейинги йилларда бу йўналишдаги изланишларини изчил давом эттириди. Кўплаб мақолалар, монографиялар, ўқув қўлланмажмуалар яратди. Бу асарларда мумтоз адабиёт вакиллари ҳаёти ва ижоди янада кенгроқ аспектда ўрганилди. Навоий ижодий мероси ва адабий мұхити, бадиий матн таҳлили ҳамда тадқиқи масалаларига катта ўрин ажратилди. Тил, имло, умумтаълим мактаблари дарслик ва мажмуаларининг ахволи сингари серқирра муаммоларга ҳозиржавоблик ва қуйинчаклик билан муносабат билдирилди. Бу баҳслар баъзан кескин тус олиб, илмий-адабий иқлимда акс- садо берди.

Мақолада биографик ва қиёсий-чоғиштирма методлар татбиқ қилинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Адабиётшунос олим ўзининг «Машхур ғазал таҳлиллари тадқиқи» [3] мақоласида даставвал Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг «Қаро кўзум...» ғазали нима учун қарийб қирқ йил давомида Э.Воҳидов, М.Кўшжонов, А.Рустамов, И.Абдуллаев, Н.Комилов, А.Аъзамов, И.Хаққул, Б.Дўстқораев, И.Бекжон сингари кўплаб шоири олимлар, кенг маънода илмий-адабий жамоатчиликнинг [1] «кўп ва хўп» таҳлилларига сабаб бўлди? -деган масалани қун тартибига қўяди. Н.Жумахўжанинг фикрича, бадиий матннинг ўзи турли ракурслардаги таҳлил ва талқинларга имкон беради. Жумладан:

- a) Газал юксак бадиий санъат даражасида ёзилган;
- б) мақом оҳангларидан “Ушишоқ” куйига солиниб, энг маҳоратли ҳофизлар томонидан ўта дардли ижро этилган;
- в) халқнинг меҳрини қозонган ва шоири олимлар дикқат-эътиборига сазовор бўлган.



SCIENCE TIME

Тадқиқотчи олим таҳлилу талқинлар ушбу ғазалнинг мавзуси, мазмуни, образлар олами, лирик қаҳрамони, муаллиф дунёқараши теграсида кечганини таъкидлар экан, мавжуд тадқиқотларни юзага келишига кўра қуидаги уч даврга ажратиб қарайди:

- a) *Илк таҳлилу талқиннинг юзага келиши (1975 йил 22 октябрь);*
- б) *Жиддий тадқиқотларнинг юзага келиши даври (1986 йил);*
- в) *Ғазал таҳлилларининг қизғин тус олиши ва юқори сифат даражасига кўтарилиши даври. (Истиқлол арафаси ва Мустақиллик даври)*

Адабиётшунос олим учинчи даврни мафкуравий ғовлар ўртадан кўтарилиб, эркин илмий-ижодий фикрга кенг йўл очилгани, шунингдек, тасаввуф таълимоти ғоялари акс этган адабий-бадиий матнларни илмий холис ўрганиш имконияти туғилгани билан характерлайди. Бинобарин, дастлабки икки даврда эркин-плюралистик тафаккур тушовлангани ҳам чинакам таҳлулу тадқиқотларни амалга оширишга имкон бермаганини ёндироф этади.

Демак, муайян маънода, ғазалнинг ижтимоий тақдири, китобхонлар (tinglovchi ва ижрочилар) онгидаги яшаш тарихи, турли тарихий босқичлардаги талқинларини ўрганишга киришади. Шубҳасиз, олим муаммо таҳлили ва тадқиқини тарихийлик принципи ва тарихий-функционал ёндашув тамойили асосида амалга оширади.

Табиийки, бадиий адабиётга шарт-шароитлари ўзгариб, турланиб-тусланиб турувчи коммуникация жараёни сифатида қарайди. Илгари амалга оширилган талқинларни ўша давр контекстидан узиб олмасликка интилади. Шубҳасиз, бу ҳол ғазални тўғри ва адекват талқин этишда муҳим аҳамият касб этади. Н.Жумахўжа ўз таҳлил ва талқинларини охирги ва қатъий хукм сифатида тақдим этмайди. Аксинча, биринчидан қўп йиллик таҳлил натижаларини умумлаштириш ва фикрларни ойдинлаштириш эҳтиёжи мавжудлиги, иккинчидан янгича қарашларга йўл очиш мақсадида бу эзгу ишга қўл урганини таъкидлайди.

Англашиладики, адабиётшунос олим ғазал теграсида билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш, объектив ва субъектив талқинларни тизимлаштиришни кўзлайди. Унинг: «Дунёқараши, нуқтаи назари, сифат ва савияси қандай бўлишидан қатъи назар, «Қаро кўзум...» газали тадқиқи йўлида юзага келган ҳар бир таҳлил илм учун қадрли», - деб билиши фикримизни далиллайди. Дарҳақиқат, мақолада олим мазкур ғазал



SCIENCE TIME

таҳлиллари синтезининг айрим қирралари ҳақидаги хуносаларини баён қилган эди.

Ушбу мақолани ёзиш асносида, буюк Навойининг мазмундор, гўзал, завқли ғазалиёти таҳлиллари ҳамиша тадқиқотчининг диққат марказида бўлиб келгани эътиборимизни тортди. Проф. А.Х.Ҳайитметов бошчилигидаги улуғ олимлардан таркиб топган илмий жамоанинг топшириғи ва ишончи асосида 1988 йилда амалга оширилган таҳлил ва талқинлар ҳақида тўхталаркан олим: «*Агар тақдир насиб этиб, «Навоий энциклопедияси» ўз вақтида нашр этилганида, мазкур ғазаллар таҳлили ўша улкан тадқиқот таркибида босилиб чиқсан бўларди*», - дейди ички бир изтироб билан [4.2.]

Хайриятки, мазкур кузатишлар изсиз кетмади. Кейинчалик олимнинг «Сатрлар силсиласидаги сехр» номли китобида ўз ўқувчилари билан дийдорлашди. Китоб мутасаввуф алломанинг 550 йиллиги муносабати билан нашр этилиб, илмий-адабий жамоатчилик назарига тушди [5.] Орадан чорак аср ўтиб, беш фасл ва 265 саҳифалик мазкур китоб улуғ алломанинг 580 йиллигига армуғон сифатида қайта нашр қилингани адабиётшунос олимнинг мумтоз ғазалиётни ўрганиш, ўргатиш ҳамда мутолаа этишнинг илмий-назарий ва амалий-услубий хусусиятлари ҳақидаги қарашлари нақадар яшовчанлигидан нишонадир [4.] Чунки, Н.Жумахўжа устоз Н.Комиловнинг «Навоий мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб борган», деган концепциясини назарий-методологик асос қилиб олган эди. Н.Жумахўжа китобда ғазалнинг «Илк девон»даги 7 байтли ҳолати билан «Хазойин улмаоний»даги мукаммал 8 байтли матнини қиёсий таҳлил этади. Бинобарин, бу асарнинг ижодий тадрижи (эволюцияси)ни ёритади. «Илк девон»да бўлмаган, мақтадан олдинги

Фироқ тогида топилса туфроғим, эй чарх,

Хамир этиб яна ул тогда кўҳкан қилғил

байти улуғ шоир шуурида кечган ижодий сайқаллаш жараёнининг маҳсули сифатида «Бадоєъ ул-бидоя» девонини тартиб бериш чоғида Навойининг ўзи томонидан киритилганини аниқлайди. Ўз мусоҳибларидан ғазал матнидан хорижда фикрламасликни талаб этади. Умумтаълим мактабларининг 8-синф «Адабиёт» дарслигига йўл қўйилган айрим ғализликларни бартараф қилишга ундейди.

Кези келганда, юқоридаги каби ҳақли талаб ва эътиrozлар ўзининг ижобий натижаларини берганлиги, айрим муаллифлар ўз хатоларини эътироф этишгани, хатоликлар қисман тузатилгани ҳамда «Қаро қўзум...»



SCIENCE TIME

ғазали таҳлиллари тадқиқи, асарнинг мазмун-моҳияти, ғоялар тизими, образлар дунёси ва Навоийнинг бадиий санъаткорлик маҳоратини таҳлил этиш ҳамда шарҳлаш асосида алоҳида китоб юзага келганини ҳам таъкидлаш ўринлидир [6.] Адабиётшунос олимнинг кўп йиллик синчков кузатишилари негизида амалга оширилган бу адабий-илмий тажриба Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирларимизнинг қўп таҳлил ва тадқиқ этилган ғазаллари тўғрисида ҳам шу типдаги тадқиқотлар юзага келишига дебоча бўлса, ажаб эмас.

Н.Жумахўжанинг «Муруват барча бермакдур...» мақоласида Алишер Навоий ижодиёти, шахсияти, дунёқарашини ўрганиш юзасидан юзага келган илмий янгиликлар бир неча тадқиқотлар асосида таҳлил этилиб, уларнинг адабий таълим ва бадиий адабиётга татбиқи тўғрисида фикр юритилади [7.]

Унинг «Дебоча матни мукаммалми?» сарлавҳали мақоласида Алишер Навоий лирик куллиётлари учун ёзилган дебочалар атрофида баҳс юритилади. Шоирнинг мукаммал асарлари тўплами (MAT) жорий нашридаги дебочаларда ислоҳталаф матний нотугалликлар, хусусан, Навоий насрой услугига пуртур етказган, дебочаларнинг бадиий санъат асари сифатидаги қимматига раҳна солган ва дебоча матнининг тил хусусиятларини ўзгартирган қусурлар борлиги холис кўрсатилади [8.]

Адабиётшунос олим «Инсоний ва илоҳий туйғулар ифодаси» номли мақоласида Имодиддин Насимиш шеърияти Шарқ донишмандлиги ҳикматлари билан суғорилган бебаҳо маънавий хазина эканига диққат қаратилади [9.] Унинг тасаввуф таълимоти (хуруфийлик тариқати) ғояларини ўзида акс эттирган, шунингдек гўзал бадиий ифодалар, нафис тасвирлар ҳамда умуминсоний моҳият касб этувчи адабий мероси нафақат Озарбайжон ва Шарқ, балки бутун жаҳон адабиётининг ўлмас дурданалари контекстида ўрганилади.

Н.Жумахўжанинг «Ёзув қўшҳокимиятчилиги қачонгача?» номли мақоласида Давлат тили ва унинг хуқуқий, назарий ва амалий муаммолари атрофида фикр-мулоҳаза юритилади [10.] Аслида, тил ва маданият муаммолари анчадан бери олимнинг диққатини жалб қилиб келади. Агар биз унинг «Қилни қирқ ёриш санъати», «Абдулла Қаҳҳор асарларида нутқ маданиятининг бадиий талқини», «Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур», «Қонун тили мезонлари», «Истиқлол ва она тилимиз», «Она тили - давлат тили», «Янги ўзбек алифбоси ва имло қоидалари» сингари мақола, рисола, ўқув қўлланма-мажмуя ва монографияларини эсласак, бу фикр тўла ўз тасдиғини топади [11.]



SCIENCE TIME

Н.Жумахўжанинг Машраб, Мунис, Феруз, Баёний ҳақидаги қатор тадқиқотларида мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ибратли ҳаёти, бой ижодий мероси кенг тарзда ўрганилди, тарғиб-ташвиқ қилинди. Олимнинг «Ўзбек адабиёти тарихи. XVI-XIX аср I ярми» номли дарслиги бугунги кунда Олий таълим тизимида фаол қўлланилмоқда [12.]

Турмуш ўртоғи, профессор И.Адизова мўътабар қўлёзмалар асосида [13] нашрга тайёрлаган ўз замонасининг талантли шоири, атоқли тарихнавис олими ва моҳир таржимони Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» рисоласига масъул муҳаррирлик қилди [14.] Каттагина сўзбоши билан таъминлади. Бу эзгу иш замондошларимизни нафақат Баёнийнинг ҳаёти, ижоди, балки аждодларимиз мангу тирик хотираси, Хива хонлигига 1873 йилдан 1914 йилгача содир бўлган тарихий воқеалар – хонликнинг иқтисодий-сиёсий тарихи, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, маданий ҳаёти, адабий муҳити билан ҳам яқиндан таништириди. Муқаддас тарихий ҳақиқатларни билиб олишга чорлади. Зотан, асарда Хива хонлигини мудофаа қилишда олиб борилган мардонавор курашлар, кўрсатилган қаршиликларга қарамай, хонликка қарашли шаҳарларнинг Чор Россияси қўшини томонидан бирин-кетин босиб олиниши ва Чор генералларининг бу ерда олиб борган шафқатсиз сиёсати, чоризм аскарлари томонидан аҳолининг, аёллар ва болаларнинг бегуноҳ қирғин қилиниши, қанчадан-қанча обод жойлар харобага айлантирилиши, ҳашамдор иборалардан холи тарзда содда, тушунарли тилда ҳаққоний тасвирлаб берилган.

ХУЛОСА.

Таъкидлаш ўринлики, «...матнишунослик, адабий манбашишунослик, тишишунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришига йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиши» [15.] кўзда тутилаётган бир даврда Н.Жумахўжанинг кекса олимлар С.Рўзимбоев, А.Аҳмедовлар билан ҳамкорликда «Фирдавс ул-иқбол»ни нашр қилдиргани ҳам маданий-маърифий ҳаётда муҳим воқеа бўлди [16.]

Биз етмиш билан юзлашаётган фидойи олимни муборак ёшлари билан кутлар эканмиз, устоздан янада янги-янги тадқиқотлар кутиб қоламиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аъзамов А. Назмнинг еттинчи осмони. // «Жаҳон адабиёти» журнали, 2004 йил, февраль; Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сехр. - Т.: Ўқитувчи. 1996; Комилов Н. Маънолар оламига сафар. - Т.: Тамаддун.



SCIENCE TIME

- 2012; Рустамов А. Адиблар одобидан адаблар. - Т.: Маънавият. 2003 ва б.
2. Жумахўжа Н.А. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида. – филол. фан док-ри дисс. – Т.: 1999.
 3. Жумахўжа Н. Машхур ғазал таҳлиллари тадқиқи. // «Шарқ юлдузи» журнали, 2016 йил, 3-сон; - <https://ziyouz.uz/ilm-vafan/adabiyot/nusratullo-jumahuja-mashhur-gazal-tahlillari-tadqiqi>
 4. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. (Алишер Навоий ғазаллари таҳлили асосида) Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Тамаддун. 2022. – Б. 2.
 5. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр.– Т.: Ўқитувчи. 1996.
 6. Жумахўжа Н. «Қаро кўзум...» ғазали тадқиқи. Монография. – Т.: Мухаррир. 2021.
 7. Жумахўжа Н. Муруват барча бермакдур...// «Жаҳон адабиёти» журнали, 2013 йил, 2-сон; - <https://ziyouz.uz/ilm-vafan/adabiyot/nusratulla-jumahuja-muruvvat-barcha-bermakdur/>
 8. Жумахўжа Н. Дебоча матни мукаммалми? - <https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2011-sp-1884778307/>
 9. Жумахўжа Н. Инсоний ва илоҳий туйғулар ифодаси - <https://jahonadabiyoti.uz/2022/01/18/>
 10. Жумахўжа Н. Ёзув қўшҳокимиятчилиги қачонгача? - <https://kun.uz/91421253>
 11. Қаранг: Жумахўжа Н. Истиқлол ва она тилимиз. Монография. – Т.: ШАРҚ. НМИУ. 1998; Қилни қирқ ёриш санъати // «ЎзАС» газетаси, 2009 йил 23 октябрь; Она тили - давлат тили (ўкув қўлланма-мажмуа) / Давлат ва миллат рамзлари; Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Конунига оид хужжатлар; [масъул мухаррир F.A.Абдумажидов; тузувчилар Нусратулло Жумахўжа, Равшан Жомонов]. – Т.: Адолат, 2004. Абдулла Қаҳҳор асрларида нутқ маданиятининг бадиий талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2007. – №4. – Б. 22–29; Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур.- Тошкент: Фан,1995;
 12. Ўзбек адабиёти тарихи. XVI-XIX аср I ярми. (ҳаммуаллиф И.Адизова) -Т.: Ношир. 2019.



SCIENCE TIME

13. Девони Баёний, ЎзРФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик Институти қўлёзма асарлар фонди, инв № 1120, 7106, 6666/У1; Шу асар, инв № 9596.
14. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшохий. Сўзбоши: Н.Жумахужа, И. Адизова. — Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. — 104 б; Muhammad Yusuf Bayoniy Shajarayi Xorazmshohiy Qo‘lyozma manbalar asosida nashrga tayyorlovchi, lug‘at va izohlar muallifi Iqboloy Adizova. Mas’ul muharrir filologiya fanlari nomzodi Nusratullo Jumaev.- <https://n.ziyouz.com/books>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 389-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 06/18/5399/1018-сон.
16. Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадизо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол (Бахтлар боғи). Нашрга тайёрловчилар Н.Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. – Т.: O‘qituvchi. 2010.
17. Ташанов К. Ю., Базарова Р.Ф. (2023). Давлат таълим стандарти, дарслик ва замонавий таълим мазмуни. <https://uzresearchers.com/index.php/IFTE23/article/view/247>
18. Якубов И.А., Қўйлиева Г.Н. (2023). «Умаршайх Мирзо» романида тарихий ҳақиқат ва лиро-романтик талқин. <https://uzresearchers.com/index.php/stj/article/view/409>